



ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА КИЧИК МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хасанов У.

*Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти, педагогика ва
психология йўналиши 2-курс талабаси*

Таянч сўзлар: ёндашув, имконият, таълим, хусусият, қобилият, муваффақият, қизиқиш, маданият.

Ключевые слова: подход, возможность, образование, характеристика, способность, успех, интерес, культура.

Key words: approach, opportunity, education, characteristic, ability, success, interest, culture.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ёш авлодни маънавий-ахлоқий, интеллектуал, жисмоний ривожлантириш, баркамол инсон қилиб тарбиялаш, салоҳиятини намоён эта олишини таъминлаш, болаларда ватанпарварлик, қонунларга ҳурмат, интилувчанлик, меҳнатеварлик, ўзгалар меҳнатини кадрлаш каби ижобий фазилатларни таркиб топтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Индивидуал ёндашув асосида кичик мактаб ёшдаги болаларнинг ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантириш, касб-хунарга қизиқтириш моделларини такомиллаштириш, ўйин технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда мактаб ёшдаги болаларни таълим тизимига қамраб олиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий, интеллектуал, жисмоний тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Мактаб таълим-тарбия жараёнларини илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш” устувор вазифа этиб бел-



гиланди . Натижада, кичик мактаб ёшдаги болаларнинг ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари кенгайтирилди.

Хорижда тарбияланувчиларни ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш “мотивация назарияси”, эркин шахсни ривожлантириш концепцияси каби турли педагогик назариялар ҳамда “диагностика”, “тарбия”, ўз-ўзини намоён этиш, неопрагматик педагогика каби йўналишларнинг таркибий масаласи ҳисобланиб, ушбу назариялар махсус тадқиқ этилиб, концептуал асосланган.

Сўнгги йилларда бола шахсини фаоллаштириш, нутқини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, ўқув-билув фаолиятини мақбуллаштириш, кичик мактаб ёшида ўйинлардан фойдаланиш масалалари О.Тўраева, Т.Усмонходжаевлар томонидан бирмунча тадқиқ этилган.

Рус педагогларидан Л.С.Выгоцкий, А.Н.Леонтевлар бола психикасига фаолиятли ёндашув тамойилининг асосчиларидир. Унга кўра, бола руҳий ривожланиши ижтимоий табиатга эга бўлиб, моддий-маънавий маданият маҳсулотлари воситасида такомиллашади. Руҳий ривожланишда мотивлар етакчи позицияни эгаллайди. Шунга кўра, тарбияланувчиларда мотивацияни таркиб топтиришнинг аҳамияти жуда каттадир.

В.П. Кондрашовнинг номзодлик ишида бевосита ўйинли технологиялар орқали тарбияланувчиларда касблар олами ҳақида тасаввур ҳосил қилиш масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф Россиядаги кичик мактаб тарбияланувчиларда касблар ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга қаратилган кўпгина ишлар фақат суҳбат типидagi машғулотлардан иборат эканини таъкидлаб, кичик мактаб ёшидаги тарбияланувчиларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида ўйиннинг аҳамиятига эътибор қаратади, шунга кўра, уларда касблар олами ҳақида тушунчаларни таркиб топтиришда турли ўйинлардан фойдаланишни таклиф қилади.

Бизнинг тадқиқотимиз нуктаи назаридан, ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантириш– кичик мактаб тарбияланувчиларининг ёш ва қизиқишларига кўра турли типларга ажралган тоифасига мослаб бериладиган касбларга оид маълумотларни қамраб олади. Кичик мактаб ёши даврининг ўзига хос хусусияти болалар меҳнатининг ўйин билан боғлиқ бўлишидир, ўйин орқали амалга оширилган меҳнат болаларда касб- ҳунарга қизиқишни оширади. Ўзига хос хусусиятлари, мазмуни, юзага келиш сабабига кўра меҳнат ва ўйин бир-биридан фарқ қилади. Меҳнатда мақсад қўйилади, уни амалга ошириш, натижага эришиш учун шарт-шароит яратилади, воситалар излаб топилади. Ўйинда эса болалар катталарнинг меҳнат фаолиятига тақлид қиладилар.

Н.Сайидахмедов ўйинларини қуйидаги турларга ажратади: мавзули-ролли ўйинлар, ўйин-меҳнат, дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, вақти хушлик, сайр-томоша ўйинлари, мажмуали байрам ўйинлари.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун ўйинлар тарбиявий-дидактик, ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш мақсадида таълимнинг яхлитлиги, аввалдан лойиҳаланганлиги, таълим-тарбия натижаларининг кафолатланганлиги, эгилувчанлик (мослашувчанлик) ва тугалланганлик каби тамойиллар орқали амалга оширилса, у ҳолда уларни ўйин технологиялари деб аташ мумкин.

Технология сўзи юнонча “*techne*” маҳорат, санъат, “*logos*” фан, таълим от маъноларини англатиб, бирор соҳада сифатли маҳсулот яратишда қўлланиладиган йўл ва усуллар мажмуидир.

Педагогик атамалар луғатида технологияга:

“1) шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини муҳассамлаштирган ва якуний натижани кафолатлайдиган педагогик ҳодиса; 2) таълим -тарбия жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, педагогик ва ўқув фаолиятини ташкил қилиш усуллари тавсифи” деб изоҳ берилган.

Педагог олим Н.Сайидахмедов технологиянинг фаолиятлилик билан алоқадорлигига асосланиб, уни “шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш қонунларини ўзида қиладиган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолият” деб тавсифлайди.

М.Камолдинов ва Б.Ваҳобжоновлар эса унинг тизимлилик хусусиятига алоҳида урғу бериб, “технология деганда, одатда, уларни қўллаш натижа-сида янги сифат ва миқдор ўзгаришларига олиб келувчи тизимий усуллар тушунилади” дея таъкидлайдилар.

Кичик мактаб тарбияланувчиларда тарбияланувчиларда ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ўйин технологияларини қўлловчи педагог-технолог қуйидаги билим ва компетенцияларга эга бўлиши зарур:

- ўйин технологияларининг машғулот жараёнидаги ўрнини баҳолай олиш;
- ўйин технологиялари ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ўйин технологиялари турлари, қоидалари, принциплари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ўйин технологияларининг хар хил турларидан машғулотда фойдалана олиш;
- болалар фаоллигини тўғри йўналтириш, ўйин технологиялари орқали касбий тушунчаларни сингдириш;



- машғулотларнинг жозибаси ва самарадорлигига эришиш учун таълимнинг техник воситалари (компютер, кодоскоп, видео ва аудио куррилмалар)дан фойдалана олиш;
- мағулотларни ҳамкорлик педагогикаси ғоялари негизида ташкил этиш ва ўтказиш;
- педагогик маҳорат, такт, техника, интуиция, педагогик қобилият қабиларга эга бўлиш.

Кичик мактаб ёшдаги болаларни ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантиришда уларнинг физиологик ҳаракатчанлиги, интеллектуал билимларга чанқоқлиги ва доимий ривожланиш хусусиятларини назарда тутиб, ўйин ҳаракатли, интеллектуал-ривожлантирувчи, сюжетли (сюжетли-ролли) ўйин қабил турларга ажратган ҳолда, ушбу ўйин технологияларидан тадқиқот муаммосини ҳал этишда фойдаланиш методикасини ёритишга ҳаракат қилдик. Сюжетли-ролли, дидактик, ўйин-меҳнат, ўйин-машқлар, жумбоқ ўйинлар, жумбоқлар, лабиринтлар, ўйин-мусобақалар қабил ўйин турларининг тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан кўзда тутилган имкониетлари юқоридаги ўйин технологиялари таркибида тадқиқ этилди.

Индивидуал ёндашув асосида кичик мактаб ёшдаги болаларнинг ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантиришда маълум мусиқа асарларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мусиқа асарлари болалар билан ишлашнинг мақсадга методик усулларини топиш учун педагог бу асарни яхши билиши, бадиий таъсир воситалари билан танишиб чиқиши, асар мазмуни ва характерини чуқур ўрганган бўлиши шарт. Шундагина мусиқа ижросида болаларнинг англаб олишини таъминловчи оддийлик ва таъсирчанликка эришиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни. – Т., 2019. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 28.01.2022 йил., ПФ-60-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон.
4. Абдуллаева Н.Ш. Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш. Фалсафа доктори (phd) ... дисс.- Т., 2019. – 264 б.
5. Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш: педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2005. – 20 б.
6. Выгоцкий Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. Психологический очерк: кн. для учителя. М.: Просвещение, 1991. - 96 с.
7. Камолдинов М., Вахобжонов.Б. Инновацион педагогик технология асослари.Услубий қўлланма. – Т., Талкин, 2010. - 128 б.



8. Кондрашов В.П. Введение дошкольников в мир профессий: Учебно-методическое пособие. – Балашов: Изд-во «Николаев», 2004. – 52 с.
9. Леонтьев А.Н. Эволюция психики. – М., инст. Практической психологии, 1999. – 416 с.
10. Машарипова М.И. Мактабгача тарбия муассасалари шароитида болаларнинг ҳаракат потенциалини мақсадли ривожлантириш технологияси. педагогика фанлари номзоди. ... дисс. - Т., 2006.-182 б.
11. Назирова Г.М. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш. Фалсафа доктори (Phd) ...дисс. Т.,-2019.- 173

РЕЗЮМЕ

Ҳозирги вақтда кичик мактаб ёшдаги болаларда ўз-ўзини англашни ўрганиш муаммоси жуда долзарбдир. Кичик мактаб ёш — бу ўз-ўзини англаш шакллана бошлаган дастлабки даврдир. Айнан шу даврда бола ўзини, мотивлари ва инсоний муносабатлар оламидаги эҳтиёжларини англайди. Шунинг учун бу даврда ўз-ўзини англашни шакллантириш учун пойдевор қўйиш жуда зарур. Индивидуал ёндашув барча мактаб ўқувчилари учун зарурдир, уларнинг таълимдаги муваффақиятларидан қатъи назар, бу ёндашув турли мақсадларни ҳал қилади. Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар муваффақиятли ўқувчилар даражасига “қўтарилиш”лари ва катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари керак.

РЕЗЮМЕ

В настоящее время проблема обучения самосознанию у детей младшего школьного возраста весьма актуальна. Младший школьный возраст – это начальный период, когда начинает формироваться самосознание. Именно в этот период ребенок понимает себя, свои мотивы и потребности в мире человеческих отношений. Поэтому очень важно в этот период заложить основы формирования самосознания. Индивидуальный подход необходим всем школьникам, независимо от их учебных успехов, этот подход преследует разные цели. Низкоуспевающие ученики должны «подняться» до уровня успешных учеников и выполнить большой объем работы.

SUMMARY

Currently, the problem of learning self-awareness in children of junior school age is very relevant. Junior school age is the initial period when self-awareness begins to form. It is during this period that the child understands himself, his motives and needs in the world of human relations. Therefore, it is very important to lay the foundation for the formation of self-awareness during this period. An individual approach is necessary for all schoolchildren, regardless of their educational success, this approach addresses different goals. Low-achieving students must «rise» to the level of successful students and complete a large amount of work.